

483 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْكِبِي، فَقَالَ: «كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ» وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يَقُولُ: إِذَا أَمْسَيْتَ فَلَا تَتَنَطَّرِ الصَّبَاحَ، وَإِذَا أَصْبَحْتَ، فَلَا تَتَنَطَّرِ الْمَسَاءَ، وَخُذْ مِنْ صِحَّتِكَ لِمَرْضِكَ، وَمِنْ حَيَاتِكَ لِمَوْتِكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [6416].

قَالُوا فِي شَرْحِ هَذَا الْحَدِيثِ: مَعْنَاهُ: لَا تَكُنْ إِلَى الدُّنْيَا، وَلَا تَتَّخِذْهَا وَطَنًا، وَلَا تُحَدِّثْ نَفْسَكَ بِطُولِ الْبَقَاءِ فِيهَا، وَلَا بِالْإِعْتِنَاءِ بِهَا، وَلَا تَتَعَلَّقْ مِنْهَا بِمَا لَا يَتَعَلَّقُ بِهِ الْغَرِيبُ فِي غَيْرِ وَطَنِهِ، وَلَا تَشْتَغَلْ فِيهَا بِمَا لَا يَشْتَغَلُ بِهِ الْغَرِيبُ الَّذِي يُرِيدُ الذَّهَابَ إِلَى أَهْلِهِ. وَبِاللَّهِ التَّوْفِيقُ.

483. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам елкамдан ушлаб, **«Бу дунёда худди ғариб ё бир йўловчидек бўлгин!»** дедилар».

Ибн Умар: «Кеч кирса, тонг отишини кутма, тонг отса, кеч киришини кутма. Соғлик пайтингдан касаллигинга, ҳаётингдан ўлиминга (фойда) олиб қол!» дер эди».

*Имом Бухорий ривояти.*

Бу ҳадиснинг шарҳида қуйидагича маъно айтишган: «Дунёга суяниб, уни ватан қилиб олма. Унда узоқ қолишни ва унга аҳамиятли бўлишни нафсинга ўқтирма. Худди ватанида бўлмаган ғариб ўша ерга боғлиқ бўлмагани каби сен ҳам дунёга боғланиб олма. Ўз аҳлига қайтишни хоҳлаб юрган ғариб ўша турган жойида бирор

нарсага машғул бўлмагани каби сен ҳам дунёга машғул бўлма». Тавфиқ Аллоҳдандир.

**Шарҳ:** Абдуллоҳ ар-Румий айтадилар: «Мен Умму Талақ деган аёлнинг уйига кирдим-да: «Уйингизнинг шифти жуда паст экан», дедим. Шунда Умму Талақ: «Эй ўғилчам, Ҳазрати Умар атрофдаги омиллари (иш юритувчилари)га мактуб юбориб, «Бинологизни баланд қилманг, чунки бинологизни баланд бўлиши ёмон кунларингиздан бири экани аломатидир», деб тайинлаганлар», деди.

«Эй одам боласи, агар заруратингдан ортиқчасини эҳсон қилсанг, ўзинг учун яхши. Агар бермасдан ушлаб қолсанг, ўзинг учун ёмон. Кифоя қилгудек ризққа қаноат қилсанг, маломат этилмайсан. Эҳсон қилишни ўз кўл остингдагилардан бошлагин».

«Кимнинг нафси омон, хотиржам ва жасади саломат ҳамда ҳузурида бир кунлик ризқи бўлса, гўёки дунёни тўлалигича ўзига бўйсундирибди».

«Зухд мол йўқлиги билан эмас, балки Аллоҳдан бошқасидан кўнглини фориг тутишдир. Дунёни севгучи дарवेशни зоҳид демаслар ва Ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом шунча дастгоҳ, подшоҳлик билан зухд эгаси дерлар».

Дунё ҳаётининг матоҳлари жуда жозибали, жалб қилувчи, ўзига тортувчи бўлади. Манаман деган одам ҳам унинг жилвасидан ўзини торта олмайди, сеҳрига мубталоликдан асрала олмайди. Чунки Аллоҳнинг иродаси шундай бўлган, яратилиш ҳикмати шундай бўлган. Сурув-сурув подалар, бепоён далалар, қўша-қўша чопқир уловлар, серҳашам ва муҳташам қурилган уйлар, тахлам-тахлам пуллар, олтин-кумуш бойликлар, хотинлар, болачақалар, хулласи дунёнинг барча жимжималари инсонни синаш учун, имтиҳон қилиш учун яратиб қўйилган.

Кимдир ана шу бойликлар билан фахрланиб, кибрланиб, ўралашиб қолиб, Аллоҳни унутади, унутмаганда ҳам Унинг амр-фармонларига бепарво бўлиб қолади. Кимдир ўзига беҳисоб дунё ато қилинса ҳам бандалигини бир зум ездан чиқармайди, итоат-ибодатдан чекинмайди.

Абдуллоҳ ибн Умар бир куни бетобланиб қолиб, кўнгли балиқ ейишни тусади. Ходимлари Мадинани кеза-кеза ниҳоят балиқ топишди. Олиб келиб қовуришди ва ноннинг устига қўйиб, Ибн Умарнинг олдига киритишди. У балиқдан энди тотиб кўрмоқчи эди, эшик олдига бир тиланчи келиб, бирон егулик беришларини сўради. Ибн Умар ходимларига балиқни нонга ўраб, тиланчига тутқазилгани буюрди. «Аллоҳ сизга шифо берсин, зўрға етган таомингизни тиланчига бериб юборасизми, яхшиси пул берақолайлик», деди ходим. Ибн Умар: «Балиқни бериб юборинглар», деб буюрди яна. Ходим гадонинг олдига чиқиб: «Балиқни оласанми ёки пул берайми?» деб

сўради. Тиланчи пулни олди. Ходим балиқни қайтариб кирганини кўрган Ибн Умар: «Балиқни унга олиб бориб бер, пулни ҳам олма, мен Расулуллоҳдан кўнгли тусаб турган нарсасини биродарига улашган кишининг гуноҳлари кечирилишини эшитганман», деди.

Абу Ҳазм шундай деган: «Молларингизни Аллоҳ йўлида сарфлашни асло қилманг. Болаларим бор-ку, деб уларни харжлашдан ҳам қўрқманг. Зеро бола-чақангиз мўмин бўлса, Аллоҳнинг Ўзи уларни (сиздан ҳам яхшироқ) ризқлантиришига ишонинг. Агар улар фосиқ бўлсалар, молларингизни фиқ-фасод йўлида сарф қилишларига имкон яратиб берманг».

Умавийлар султони Сулаймон ибн Абдулмалик Абу Ҳазмдан: «Эй Абу Ҳазм, биз нима учун ўлимдан қўрқамиз?» деб сўради. Абу Ҳазм: «Чунки дунёимизни обод қилиб, охиратимизни хароб айлаганмиз. Одамзот обод жойни ташлаб, харобага кетишни хоҳламайди», деб жавоб қилди.

Мол-дунёни жойига сарфлаш, инфоқ-эҳсон ва садақани кўпайтириш, молга бахил бўлмаслик мўмин-муслмоннинг иймонига далолатдир, унинг Ҳаққа итоатига далолатдир.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

